



Барча нарса, ҳатто, ожизлик ва эпчиллик ёки эпчиллик ва ожизлик ҳам, тақдирдандир

Товус раҳимаҳуллоҳдан нақл қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўплаб асҳобларининг: «Ҳар бир нарса тақдир билан бўлади», - деганларини эшитганман. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу шундай деганларини эшитганман: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Барча нарса, ҳатто, ожизлик ва эпчиллик ёки эпчиллик ва ожизлик ҳам, тақдирдандир».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча нарса тақдир билан бўлишини очиқладилар. Ҳатто ожизлик, яъни, бу дунё ва охираат учун қилиниши керак бўлган ишларни қилмаслик ёки ўз вақтидан кечиктиришлик ҳам тақдирдандир. Шу вақтнинг ўзида эпчиллик ҳам, яъни, дунё ва охираат учун қилинадиган ишларини қилишдаги усталлик ва фаоллик. Аллоҳ таоло ожизлик, фаоллик ва барча нарсаларни тақдирга ёзиб қўйган. Коинотда нимаики бўлса, Аллоҳ таолонинг аввалдаги илми ва хоши ила бўлади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65039>

